



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 17 декабрь, чоршанба

№101 (11.592)

Эркин нархда сотилади

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ СЕССИЯСИ

16 декабрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, Олий Мажлисга Самарқанд вилоятидан сайланган депутатлар иштирок этди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

— Ҳаммаганимизга маълум, яқинда Президент фармони билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинланди. Бу ҳақдаги фармон Олий Мажлисининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган ўн учинчи сессиясида кенг муҳокама қилиниб, тасдиқланди, деди Президентимиз.

Мана шундай қарорга келишимизга сабаб бўлган асосий бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Ўйлаётганимиз, барчамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз: мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ислохотларни кенг қўламда ва изчил жорий этиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида унрайдиган кўпгина муаммоларни ечишда, аввал-

ламбор, давлат бошқарувида ҳар қайси идора, ҳар қайси бўғин, қолаверса, ҳар қайси раҳбар ўз ўрни ва масъулиятини чуқур англаган ҳолда ишлаши, ўз ваколати доирасида ўз вазифасини самарали адо этиши зарур. Бундай талаб авваламбор юқори поғона, яъни Марказда фаолият кўрсатаётган ҳукумат аъзолари ва ҳукумат идораларига, уларнинг раҳбарларига, бугун ҳаётимизда ўтказилаётган ислохотларга бош-қош бўлаётган ва катта ваколатга эга бўлган мутасадди шахсларга тегишли десак, ҳато бўлмайдими. Яъни ҳар қайси туман, ҳар қайси вилоят манфаатини, ҳудудлар олдида турган вазифаларни инкор этмаган ҳолда, энг юқори бўғиндаги бошқарув идораларининг фаолиятини кучайтириш, уларни жойлардаги аҳвол ва

муаммоларни чуқур биладиган етук кадрлар билан мустахкамлаш масаласига биз устувор аҳамият беришимиз зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Содда қилиб айтганда, давлат ва жамият, элни бошқарадиган ҳар қайси вазифада албатта ишнинг негизини биладиган, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб бера оладиган, Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тadbиркор ва хушёр одамларнинг ишлаши катта аҳамиятга эга.

Бунинг ҳаммаими яхши тушунамиз, лекин айни вақтда, ҳар қайси вилоят, ҳар қайси туман ва жойларда ўз фаолияти билан халқ орасида ҳурмат-эҳтиром қозонган етакчиларни, ҳаёт талаб қилса, юксак вазифаларга йўлланши, уларга оқ фотиҳа бериши шу ерда хизмат қилаётган жамоатчилик ўзи учун шараф, ҳам қарз, ҳам фарз деб билиши лозим, деб ҳисоблайман.

Президент сессия қатнашчилари эътиборини яна

(Давоми 2-бетда).



Янгийул шаҳридаги тиббиёт коллежи республикамизда фаолият кўрсатаётган даволаш муассасаларига малакали мутахассислар тайёрлаб келмоқда. Мазкур билим даргоҳида асосан доялик, ҳамширалик ҳамда тишларни даволаш йўналишлари бўйича ходимлар тайёрланади.

Коллежда назарий ва амалий маш-

ғулотлар ўтказиладиган етти та лаборатория, 32 ўқув хонаси мавжуд бўлиб, талабаларга малакали ўқитувчилар таълим бериб келмоқдалар.

СУРАТДА: она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилфуза Икромовна машғулот пайтида.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Р.И.Холмуродовни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:
Рустам Ибрагимович Холмуродов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2003 йил 16 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ш.М.Мирзиёевни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Шавкат Миромонович Мирзиёев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2003 йил 16 декабрь.

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ РЕЖЕП ЭРДОҒАННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Эрдоган шу йил 18-20 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор муҳим ҳужжатлар имзолаши режалаштирилмоқда.

ФРАНЦИЯДАН ХУШҲАБАР

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Элчихонаси-дан хушхабар келди. Парижда Халқаро Кўргазмалар Бюроси Бош Ассамблеясининг 134-сессиясида кўпчилик овоз билан Ўзбекистон ХКБ Ижроия комиссиясига аъзо этиб сайланди.

Ушбу ташкилот 91 давлатни камраб олиб, 12 аъзо давлат таркибидаги Ижроия комиссияси унинг олий органи сифатида дунё узра Бутунжаҳон ва мавзуий кўргазмаларни ўтказиш масалаларини ҳал этади.

Франция, Бельгия, Италия, Швейцария, Канада ва Россия каби дунёнинг

Жаҳон АА.

ДАСТЛАБКИСИ МАҲАЛЛАДА ЎТДИ

Кўйичирчиқ туманида оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустахкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш ҳамда никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича туман хотин-қизлар кўмитаси, соғлиқни сақлаш, ФХД бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ва диний идоралар ҳамкорлигида кўшма тадбир ўтказиб чиқилди.

Унга кўра, тумандаги тўққизта қишлоқ фуқаролар йиғинида ва Дўстобод шаҳридаги бешта маҳаллада йиғилишлар ўтказилди. Дастлабки шундай тадбирлар шаҳардаги маҳаллаларда бўлиб ўтмоқда. Унда маҳалла шифокорлари, ФХД ходимлари ва имом-хатиблар иштирок этиб, тад-

бирда катнашаётган туғиш ёшидаги аёлларда, балогат ёшидаги қизларда ҳозирги шароитда кузатилаётган касалликлар тўғрисида маълумотлар беришди. Шунингдек, уларга никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг муҳияти ҳам тушунтириб ўтилди.

Камол ҒАЙРАТОВ.

ЁШЛАР УЧУН ТАДБИР

Қўйичирчиқ туманидаги коллежларда ўқувчи ёшлар учун «Яша ва бошқаларга ҳам яшашга имкон бер!» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, туман халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳамкорлигида ўтказган бу тадбирда ўқувчилар ОИТС

хавфидан огоҳлантирилиб, уларга «Аср вабоси» маърифий фильми намойиш этилди. Шундан сўнг коллеж ўқувчиларининг деворий газеталари кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу бахсда Агротижорат касб-хунар коллежи ёшлари ғолиб чиқибди. Энергетика касб-хунар коллежи ўқувчиларига иккинчи, Тошкент тижорат касб-хунар коллежи ўғил-қизларига учинчи ўрин насиб этди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

Тошкент – Чимён – Чорвоқ: йўл равланлашади

Маълумки, вилоятимизнинг Бўстонлиқ тумани ҳудудида меҳнатқашларнинг янги дам олиш зоналари барпо этилмоқда. Бу ушбу минтақада кенг қўламдаги коммуникация ишларини амалга оширишни ва дам олувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 ноябрдаги «Тошкент — Чимён — Чорвоқ дам олиш зонаси автомобиль йўлини мукаммал таъмирлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда ҳайдовчи ва йўловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, авто-сайёҳларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги эътиборга олиниб, вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг қарориди қайд этилган бу ҳудуддаги йўл-кўприк ишларини лойиҳалаштириш, бажариш, электр узатиш ва алоқа тармоқларини қўйириш, лойиҳалаштириш ҳамда ушбу таъмирлаш ва қурилиш ишларини молиялаштириш бўйича техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш юзасидан чора-тадбирларни 15 декабрдан аяқлаш ҳамда амалий ишга киришиш белгиланган кўйилган. Умуман, Тошкент — Чимён — Чорвоқ дам олиш зонаси автомобиль йўлини мукаммал таъмирлаш ва қайта қуришнинг 2004 йилнинг 1 июнигача тугатиш режалаштирилмоқда.

«ҚАЛҚОН» ҲАРАКАТДА

Ўзбекистон ҳукумни муҳофаза қилиш органлари қўл жанги федерацияси ва Қўйичирчиқ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан спорт турлари оммавийчилигини таъминлаш мақсадида «Қалқон» клуби иш бошлади.

Унга биринчи дан қора белбоғ соҳиби Шўрат Хакимов президент қилиб тайинланди. Клубнинг тумандаги туртта мактабда ҳам филиаллари бўлиб, айни пайтда қишлоқлик юзга яқин ўғил-қиз Шарқ яққурашининг муайтай, тазкандо, ушу, кикбоксинг, каратэ каби турлари билан мунтазам шугулланмоқда. Улар шу кўнда «Қалқон» спорт клуби ташаббуси билан ўтказиладиган қўл жанги бўйича Тошкент шаҳри ва ви-

лоят биринчилигига астойдил тайёрланишмоқда.

Муҳаммад СУННАТОВ.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

2003 йилнинг 15 декабрь куни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XVIII сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва қотибятлари, бўлим ва бошқармалари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг молия бўлимлари, давлат солиқ инспекциялари ҳамда ички ишлар бўлимларининг бошликлари иштирок этдилар.

Сессияни вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Умнат Мирзақуллов бошқарди.

Депутатлар шу кунги республика ва вилоят иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий тараққиётига боғлиқ бир қатор масалаларни кўриб чиқдилар. Кун тартибиданги биринчи — «Мамлакатимиз чегараларининг дахлсизлиги ва ҳудуд барқарорлигини таъминлаш, республикамизга моддий-товар бойликларни ноқонуний равишда олиб кириш ва олиб чиқиш кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала юзасидан 14-Трансформаторчилар сайлов округидан депутат, вилоят Кенгашининг қонунийлик,

хукук-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссиясининг раиси Дониёр Азизхўжаев маъруза қилди. Уни муҳокама этишда чегара қўшинлари Тошкент тезкор гуруҳи бошлиғи вазифасини бажарувчи Андрей Сиров, вилоят божхона бошқармаси бошлиғи Алишер Аманбоев, Қўйичирчиқ тумани ҳокими Саидхўжа Тошхўжаев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Мирсамат Адиллов иштирок этдилар. Ушбу масала юзасидан сессия қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сессияда «Тошкент вилоятида солиқ қонунийлигига риоя этилиши ҳамда маҳаллий бюджетга солиқ тўловлари тўлиниши таъминлашнинг ислохотлар жараёнидаги аҳамияти тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда 29-Чинобод сайлов округидан депутат, Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни бел-

гилаш, бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш масалалари доимий комиссияси аъзоси Акмал Назаров маъруза қилди. Шунингдек, Янгийул шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ойбек Қодировнинг ахбороти ҳам тингланиб, сессиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Тошкент вилояти маҳаллий бюджетини 2002 йилги ижроси ҳамда 2004 йилги лойиҳаси тўғрисидаги масала сессия кун тартибидан алоҳида аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам, вилоят ҳокимлиги молия бўлими бошлиғи Муҳитдин Аъзамовнинг маърузаси диққат билан тингланган. Бу ҳақда 32-Дўстобод сайлов округидан депутат, вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш масалалари доимий комиссиясининг раиси Жаҳонгир Файзиев ўз муносабатини билдирди. Шундан сўнг сессияда

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ТЕКШИРИШЛАР НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?»

(2003 йил 5 ноябрь, № 90)

Шу сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада «Ўзқурилишматериаллари» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар, шу жумладан, «Охангаронцемент» очик акциядорлик жамиятининг тижорат-молия фаолиятида бир қатор нуқсонлар юз бераётгани тақкид қилинган эди.

Тахририят газетанинг ушбу чиқишига «Охангаронцемент» очик акциядорлик жамияти бош директори М. Мура-тов имзои билан жавоб хати олди. Унда газета танқиди эътироф этилиб, ишдаги мавжуд камчиликларни тугатиш чоралари қўрилганлиги маълум қилинган. «Мақолада кўтарилган фикр-

мулоҳазалар ва танбехлар муҳокама қилиниб, нуқсонлар тўлиқ бартараф этилди, — деб ёзади бош директор. — Ҳозирги вақтда «Охангаронцемент» тижорат департаменти» шўбса корхона тугатилиб, цемент савдоси жараёнида ўрнатилган тартибга муво-

фиқлаштирилди».

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» - СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!
Обуна бўлдингизми?

Эслатиб ўта-
миз:
бизнинг
индекс
— 205.

Китоб жавонингизга

ЯНГИ ДАРСЛИК

Яқинда таниқли адабиётшунос олим, профессор Эркин Худойбердиевнинг «Адабиётшуносликка кириш» номли янги дарслиги («УАЖБНТ» маркази, 2003 йил) чоп этилди. Қўланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан нашрга тавсия этилган бўлиб, олий ўқув юртлиари талабаларига мўлжалланган.

У «Адабиётшуносликка кириш» китобининг иккинчи нашри бўлиб, деярли янгидан кўриб чиқилганлиги, тўлдирилганлиги ва қайта ишланганлиги билан аввалгисидан жиддий фаркланади. Энг муҳими, мазкур дарслик фаннинг ана шу соҳаси учун яратилган янги ўқув дастури асосида ёзилган. Унда мустақиллик гоёси ва мафқураси руҳи устувор туради.

Муаллиф ушбу дарсликнинг «Кириш» ва «Хулоса» қисмида «Адабиёт ҳақидаги фан», «Адабиётшуносликка кириш» курсининг мақсад ва вазифалари, мазмуни ва тузилиши, бўлимлари ҳамда адабий-назарий тафаккур тараққиёти масалаларини имконият доирасида кўриб чиқди. Хусусан, шу ўринда миллий гоё, миллий мафқура масаласи замонавий янги материаллар асосида ёзилганлиги кўзга ташланади.

Муаллиф биринчи бўлимда мустақиллик даври ўзбек адабиёти тараққиётига хос муҳим хусусиятлардан бири баркамол инсон образини яратибди, деган гоёни илгари суради. Бунда мумтоз ва халқ оғзаки адабиёти, жаҳон ва рус адабиёти аъназаларига таянган ҳолда иш юритишчи маъқул кўради. Аини чоғда ҳозирги адабий жараёндаги ўзгариш, янгилаш ва синтезлашув ҳолатларига ҳам эътиборни қаратади. Хусусан, адабиётда ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол инсон образини яратиш манбаси Шарқда «ғарблашув», Ғарбда эса «шарқлашув» жараёналари билан боғлиқлиги масаласига ҳам алоҳида урғу беради. Шу тарзда гоёвийлик масаласи ҳам кўриб чиқилиб, адабиётнинг қўлами, мақсади, мазмуни ва шакли изоҳланади.

Иккинчи бўлим адабий асар яхлитлигини сакловчи мавзу, гоё, конфликт, сюжет, композиция, тил, бадиийлик, шеър тузилиши каби масалаларни қамрайди. У Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи, Абдулла Қаҳорнинг «Мухаббат» қиссаси, «Бемор» ҳикояси, Ўлмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин», Ўткир Хошимовнинг «Баҳор қайтмайди» қиссалари каби асарлар таҳлилига таянган. Тил, бадиийлик, шеър тузилиши каби боблар яхши ёзилган.

Адабиёт ва адабий жараёнинг ривожланиш қонунликлари бағишланган учинчи бўлим таҳлилга аънавийлик ва янгилик, адабий турлар ва жанрлар, эпос, лирика ва драматургия, услуб ва ижодий методга оид масалалар киритилган.

Ушбу янги, замонавий дарслик жуда кўп ижобий фазилатларга, янги-янги адабий фактларга ва хулосаларга эга бўлгани ҳолда унинг қайта кўриб чиқадиган, янгиланадиган ва тўлдирадиган уринлари ҳам йўқ эмас. Бу аввало, иккинчи бўлимининг янгидан киритилган «Бадиийлик» бобида кўзга ташланади. Мазкур бобда Ойбекнинг «Навоий» романига хос бадиийлик фазилати жуда кенг, чуқур ва атрофлича изоҳлаб берилган. Шу ўринда адабиётнинг бошқа тур ва жанрдаги асарлари мисолида, хусусан, шеър, драматик асарлардаги бадиийлик ҳақида фикр юритилганда, нур устига аъло нур бўларди. Шунингдек, сатира ва юмор ҳақида ҳам батафсилроқ, хулосалар берилса, дарсликнинг қиммати янада ошарди.

Тўри, ушбу дарслик материал жихатдан анча янгиланган, миллий адабиёт намуналари билан бойитилган. Бирок, замонавий, янги, бадиий пухта асарлардан мисоллар, матнлар ҳисобига янада зарур самарага эришиш мумкин эди. Айниқса, китобнинг лирика, шеър тузилиши бобларида мустақиллик даври шеърининг энг яхши намуналаридан янада унумлироқ фойдаланилса бўларди. Шунга ўхшаш бахсли ўринлар дарсликнинг сюжет ва композиция, конфликт ва унинг турлари таҳлилида ҳам кўзга ташланади. Нашриёт томонидан йўл қўйилган имловий ва техник хатолар эса тузатилишни тақозо этади.

Умуман олганда, «Адабиётшуносликка кириш» дарслигининг яратилиши олий ўқув юртлиари ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, унинг йилдан йилга яхшиланиб боришига асло шубҳа йўқ.

С. МИРВАЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.
Р. ЖОМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Президентининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига бир ойдан ошди. Шу муддат давомида Президент Фармони ва ҳўкумат қарорининг ижроси юзасидан вилоятда қандай ташиқлий-амалий ишлар қилинди?

Таъқидлаш жоизки, аввало, юқоридаги ҳўжжатларда белгиланган кўйилган уч йиллик муддат ичида зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли, истиқболсиз ҳўжалиқлар негизида фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва умуман, қишлоқда бозор инфратузилмалари мажмуини шакллантириш дастури ишлаб чиқилди ва вилоят ҳўкимининг 10 ноябрдаги махсус қарори билан тасдиқланди, жойларда уни амалга оширишга зудлик билан киришилди. Биринчи галда вилоят ҳўкимлигида туман ҳўкимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, республика деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари уюшмасининг жойлардаги вакилликлари раҳбарлари ва вилоятнинг тегишли бошқармалари бошлиқлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда иқтисодий ноҳор, истиқболсиз ширкат ҳўжалиқларини тугатиб, улар негизида фермер ҳўжалиқларини ташкил этишдан қўтилаётган асосий мақсад атрофлича муҳокма қилиниб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар хусусида қатор фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилди, амалий тақлиф ва тавсиялар баён этилди.

Ташкилий ишлар жараёнида 2004 йилда вилоят бўйича фермер ҳўжалиқларига айлантирилиши керак бўлган жами 21 та истиқболсиз ширкат ҳўжалиқлари ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига бир ойдан ошди. Шу муддат давомида Президент Фармони ва ҳўкумат қарорининг ижроси юзасидан вилоятда қандай ташиқлий-амалий ишлар қилинди?

Таъқидлаш жоизки, аввало, юқоридаги ҳўжжатларда белгиланган кўйилган уч йиллик муддат ичида зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли, истиқболсиз ҳўжалиқлар негизида фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва умуман, қишлоқда бозор инфратузилмалари мажмуини шакллантириш дастури ишлаб чиқилди ва вилоят ҳўкимининг 10 ноябрдаги махсус қарори билан тасдиқланди, жойларда уни амалга оширишга зудлик билан киришилди. Биринчи галда вилоят ҳўкимлигида туман ҳўкимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, республика деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари уюшмасининг жойлардаги вакилликлари раҳбарлари ва вилоятнинг тегишли бошқармалари бошлиқлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда иқтисодий ноҳор, истиқболсиз ширкат ҳўжалиқларини тугатиб, улар негизида фермер ҳўжалиқларини ташкил этишдан қўтилаётган асосий мақсад атрофлича муҳокма қилиниб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар хусусида қатор фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилди, амалий тақлиф ва тавсиялар баён этилди.

Ташкилий ишлар жараёнида 2004 йилда вилоят бўйича фермер ҳўжалиқларига айлантирилиши керак бўлган жами 21 та истиқболсиз ширкат ҳўжалиқлари ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига бир ойдан ошди. Шу муддат давомида Президент Фармони ва ҳўкумат қарорининг ижроси юзасидан вилоятда қандай ташиқлий-амалий ишлар қилинди?

қарорлари расмийлаштирилди. Шунингдек, фермер ҳўжалиқларининг намунавий Устави, ер участкаларини фермер ҳўжалиқларига ўзққ муддатга ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низом, фермер ҳўжалиқлари ҳодимларини ёллаш, моддий-техник ресурсларни етказиб бериш, хизмат кўрсатишнинг намунавий шартнома-

оммавий ахборот воситаларида эълонлар берилди. Аҳолини амалга оширилаётган тадбирлардан тўлароқ хабардор қилиш мақсадида бу ишларга маҳалла оққоллари ҳам жалб этилди. Қайта хатлов натижаларига кўра, тайёрланган ер харталарига мувофиқ тугатилаётган ширкат ҳўжалиқлари ерларида 752 та фермер

лари ҳамда намунавий контрактация шартномаси тасдиқланган.

Қайта ташкил этиш комиссияларининг қарори билан тузилган ишчи гуруҳлар томонидан тугатилаётган ширкат ҳўжалиқларининг ер фонди, мавжуд мол-мулклари, техника воситалари, ижтимоий инфратузилма объектлари, иригация ва мелiorация тармоқлари қайта хатловдан ўтказилмоқда. Ҳозиргача ушбу ҳўжалиқларда сугориш тармоқларининг жойлашуви, контурларнинг яхлитлиги инобатга олинган ҳолда ер майдонларининг харитаси ишлаб чиқилди. Ҳар бир ҳўжалик негизида ташкил этиладиган фермерлар сони аниқланди.

Ташкилий ишлар жараёнида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилди. Қайта ташкил этиш комиссиялари томонидан истиқболсиз ширкат ҳўжалиқларининг тугатилиши, улар негизида фермер ҳўжалиқлари ташкил этилиши ва унинг муҳим шартлари тўғрисида

ҳўжалиги ташкил этиш, пахтачиликка ихтисослашган ҳўжалиқларда ҳар бир дэвогарга камида 40-50 гектар, сабзавоткор ҳўжалиқларда эса, 5-10 гектардан ер ажратиш мўлжалланмоқда.

Тугатилаётган ҳўжалиқлар ҳудудда фермерларга сервис хизмати кўрсатиш учун қишлоқ бозор инфратузилмалари объектларини ташкил этиш бўйича ҳам қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. «Вилоятқишлоқҳўжалиқкимё», мўқобил МТП, «Нефтьмаҳсулотлари» корхоналари ва тижорат банклари томонидан жойларда бинолар танланиб, қайта ташкил этиш комиссиялари билан биргаликда уларнинг нархлари чиқарилмоқда.

Бундан ташқари меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш идоралари туман ҳўкимликлари билан биргаликда тугатилаётган ҳўжалиқларда ишдан бўшаётган аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқдалар.

Шуни ҳам таъқидлаш жо-

изки, концепцияни амалга ошириш жараёнида шу ишга сафарбар этилган раҳбар ва мутахассисларда бу муҳим тадбирни тўла ва сифатли бажаришга ёрдам берувчи айрим фикр-мулоҳазалар тўғилмоқда, фойдали тақлифлар юзага келмоқда. Хусусан, тугатилаётган ҳўжалиқнинг кредиторлар даъвосидан қолган мол-мулкни Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ ҳўжалик кооперативи тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ширкат аъзолари ўртасида тақсимлаш белгилаб қўйилган. Вилоятда фермер ҳўжалиқларига айлантирилаётган айрим ҳўжалиқларнинг бор мол-мулки эса, кредиторлик қарзларини ёпишга ҳам етмайди. Шуни ҳисобга олиб, тугатилаётган ҳўжалиқларнинг ҳисоб рақамларига қишлоқ ҳўжалик махсулотлари (жумладан, пахта, ғалла) ва бошқа керексиз мол-мулкларни сотишдан ҳамда дебиторлик қарзларини ундиришдан келиб тушадиган маблағлардан биринчи навбатда ҳўжалиқнинг иш ҳақидан бўлган қарзларини аъзоларга тўлаб берилса, энг зарур муаммолар ечими осонлашади.

Хулоса қилиб айтганда, тугатилаётган ҳар бир ширкат ҳўжалигида тузилган нуфузли комиссия янги фермер ҳўжалиқларини демократик таомиллар асосида очик тендер (танлов) йўли билан ташкил этаётгани маҳаллий аҳоли, айниқса, деҳқон ва фермерлар томонидан маъқулланиб, қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Қолаверса, бундай ошқоралик барча экин майдонлари ҳақиқий эгасини топиб, истиқболсиз ширкат ҳўжалиқлари ўрнида келгусида юридик макомга эга бўлган салохиятли фермерларнинг фаолият юритишлари учун қўлай имкониятлар яратади.

Аббасамал ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МАЛАКА СИНОВЛАРИ

Инсон саломатлиги кенг маънода барча муваффақиятларнинг омилли хисобланади.

Шу маънода халқ саломатлигини сақлашда тиббиёт ҳодимларининг вазифалари анча масъулиятди.

Вилоятда бу соҳа ҳодимларининг касб маҳорати ва масъулиятини янада ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан махсус гуруҳ тузилиб, шаҳар ва туманлардаги тиббиётчиларни аттестациядан ўтказиш ишлари бошланди.

Бундан қўзланган яна бир мақсад шифокорларнинг ваколатларини тўғри тақсимлашдир.

«ОПТИКА» ДЎКОНИ

Оққўрган марказида кўзи оғизлар жамияти туман бўлими ташаббуси билан «Оптика» дўкони иш бошлади.

Илагари маҳаллий аҳоли кўзойнак сотиб олиш учун шаҳарга борар ёки қўшни туманларга қатнарди. Энди бунга ҳожат қолмади. Бу ерда буюртма асосида ҳам кўзойнақлар тайёрланади ҳамда эскилари таъмирлаб берилади.

Пардабой ЭРҒАШЕВ.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Тошкент вилояти Адлия бошқармаси қуйида қўйд этилган туман, шаҳорларда ўрни бўш қолган давлат нотариал идораларида ва таъсис этилган хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус лавозимларини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун тақлиф этади:



I. Давлат нотариал идораларида нотариуслик лавозимлари учун:


1. Ангрен шаҳрида 1 та ўрин учун;
2. Ангрен шаҳрида (Янгиобод нотариал округига) 1 та ўрин учун;
3. Янгийўл шаҳрида 1 та ўрин учун;
4. Чирчиқ шаҳрида 1 та ўрин учун;
5. Бекобод шаҳрида 1 та ўрин учун;
6. Янгийўл туманида 1 та ўрин учун.

II. Хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус лавозимлари учун:

1. Юқоричирчиқ туманида 1 та ўрин учун;
2. Чино туманида 1 та ўрин учун.

Аризалар қабул қилиш муддати — танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.

Тошкент вилояти «Дори-дармон» очик акциядорлик жамияти қўшимча акциялар чиқариш ҳақида маълум қилади.



Ҳозирги акцияларни муомалага чиқариш шарти:

- А) Чиқариладиган акцияларнинг кўриниши ва шакли: ҳамма акциялар 100 фоиз пул ўтказиш йўли билан;
- Б) Чиқариладиган акциялар сони 76 408 дона;
- В) Чиқариладиган 1 дона акциянинг номинал нархи 1000 сўм;
- Г) Умумий чиқарилган акциялар ҳажми (номинал нарх бўйича) 76 408 000 сўм;
- Д) Ҳар битта чиқарилган акция эгасига берилган ҳуқуқ:
 - бошқарув Кенгашига қатнашиш;
 - дивиденд олиш ва бошқа қонуний ҳуқуқлар;
- Е) Акцияларни тўлдириш очик ҳолда;
- Ж) Акцияларни тўлдириш муддати ва тартиби: Акцияларни тўлдириш тури ва вақти: бошланғич тўлдириш — 14 кундан

- 3) Тўлдирилган акцияларнинг тахминий нархи: — акцияларнинг бирламчи баҳосидан кам бўлмаслиги;
- И) Акцияларни тўлаш тартиби: шу жумладан: акцияларни ҳисоб-китоб қилиш: Акция учун тўланиши керак бўлган маблағни банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш. Тошкент вилояти Давлат мулк қўмитасининг 2002 йил 15 августдаги 281-Д буйруғига асосан қўшимча акция дорихонани қайта нархлаш ҳисобидан чиқарилган. 2003 йил 24 апрелдаги акциядорларнинг умумий ййгилишида қўшимча акция чиқаришга эмитет ташкилоти қарор қабул қилди. Ҳар қандай чекланган акция эмиссияси, эмитет низомида кўрсатилган, акция олувчилар чекланган ҳолда «Дори-дармон» низоми асосида ва Давлат мулк қўмитасининг 2002 йил 15 августдаги 281-Д буйруғига асосан олиб борилади.

	Жами: фоиз, дона, сўм	Давлат улуши: фоиз, дона, сўм	Меҳнат жамоаси учун: фоиз, дона, сўм	Эркин савдода ва чет эл инвесторларига: фоиз, дона, сўм
Қўшимча чиқариш	100 % 764408000 сўм 76 408 дона	35 % 26 742 800 сўм 26 743 дона		65 % 49 665 200 сўм 49 665 дона
Умумий ҳағгарма низоми	100 % 88 150 300сўм 88 150 дона	35% 30 853 000 сўм 30 853 дона	0,7 % 598 000 сўм 598 дона	64,3% 56 699 000 сўм 56 699 дона
Шулардан жойлаштириш	100 % 88 150 300 сўм 88 150 дона	35 % 30 853 000 сўм 30 853 дона	0,7 % 598 000 сўм 598 дона	7,98 % 7 035 000 сўм 7 035 дона



